Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

24 сентябрь, сешанба, 1996 йил

Сотувда эркин нархда. № 195 (1447)

## БАНК МИЖОЗЛАРГА МУНТАЗИР



***21 сентябрь куни Тошкентда янги молиявий муассаса — ихтисослаштирилган «Асака» давлат-акционерлик тижорат банкининг тантанали очилиш маросими бўлди. Банк янги Миробод бозори ёнида қисқа вақт ичида қуриб битказилган салобатли бинодан жой олди. Маросимда республика вазирликлари, идоралари, банклари раҳбарлари ва ишбилармон доиралар ҳамда пойтахтимиз жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.***

Тантанали маросимда сўзга чиққан республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков республикамиз Президенти Ислом Каримов иродаси билан «Асака» банкининг ташкил этилиши — Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда танланган йўлнинг нақадар тўғри ва самарадор эканини ифодалашини қайд этди. Истиқлолга эришган халқимиз эндиликда мамлакатимизнинг бой иқтисодий имкониятларидан ўз манфаати йўлида тўла фойдаланиш имконига эга бўлди. Республикамизда янги саноат ишлаб чиқариш тармоғи — автомобилсозликнинг барпо қилиниши бу фикрнинг яққол далилидир. Жанубий Кореянинг машҳур «ДЭУ» компанияси билан ҳамкорликда қурилган Асака автомобилсозлик заводи юксак даражадаги замонавий автомобилларни ишлаб чиқара бошлади.

Маросимда ҳозирнинг ўзидаёқ мазкур автомобиллар зарур қисмларининг учдан бири республикамизда ишлаб чиқарилаётгани таъкидланди. Келгусида двигател ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилганидан кейин автомобил тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқарила бошлайди. «Асака» банки автомобилсозликни ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш, завод фаолиятини яхши йўлга қўйиш ва маҳсулотни сотишга ёрдам беради.

Йиғилишда иншоотни ўз вақтида ва сифатли қуриб бергани учун қурувчиларга ташаккур билдирилди. Бу борада «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси, «Ўзагроқурилиш» бирлашмаси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси, республика Энергия вазирлиги ишчилари ҳамда пардоз ишларини бажарган Югославиянинг «Торсвик» фирмаси мутахассислари жонбозлик кўрсатишди.

«Асака» банкининг очилиш маросимида республика Бош вазирининг ўринбосарлари Ў. Исмоилов, К. Раҳимов, М. Усмонов, В. Чжен, Қ. Ҳаққулов, Б. Ҳамидов ва Р. Юнусов иштирок этдилар.

(ЎзА).

## ЯНГИ ТАРИХИМИЗНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон халқи ҳаётида содир бўлаётган буюк ўзгаришлар ва унинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатиш, мафкуравий маҳдудлик, тарихни сохталаштиришдан озод бўлган ва мутелик руҳиятидан покланган, миллий тикланиш, юксак маънавият ғоялари, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умуминсоний қадриятларга ва ватанга муҳаббат руҳи сингдирилган мустақиллик даврининг янги, ҳақиқий тарихини ёзиш ва ўрганиш шу куннинг долзарб вазифаларадин биридир.***

Мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази ташкил этиш тўғрисида чиқарган фармойиши ана шу мақсадни кўзда тутади. 21 сентябрь куни академияда ана шу марказ ташкилий гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда марказнинг асосий мақсад ва вазифалари белгилаб олинди. Улар:

— мустақил Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи ҳаётида содир бўлаёттан оламшумул жараёнлар ва уларнинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатиш асосида Ўзбекистоннинг янги тарихини ёзиш ва ўрганишни ташкил этиш;

— Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлашда умуминсонийлик, тарихийлик, илмийлик ва бошқа умумбашарий тамойилларга асосланиш, ўтмишни сохталаштириш, мафкуравий маҳдудликдан холи бўлган унинг концепциясини ишлаб чиқиш;

— жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтиришда бой маданий меросимизга, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда одамларнинг ўзликларини чуқур англашини, мустақилликни теранроқ тушунишини, ҳурлик, мустақиллик руҳининг инсонлар қалбида уйғонишини таъминлаш;

— Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимидаги ўзгаришлар, жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, тарихий жараёнларида мавжуд сиёсий институтлар, партиялар, демократик халқ ҳаракатлари фаолиятига доир манбалар, ҳужжатлар ва адабиётларни йиғиш, ўрганиш ҳамда таҳлил этиш;

— Ўзбекистонда эркин, демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қурилишини жаҳон ҳамжамиятидаги тарихий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда ёритиш;

— мамлакат халқи ҳаётига доир тарихий жараёнларни ёритишга бағишланган ва Ўзбекистоннинг энг янги тарихига доир адабиётларни таҳлил этиш ҳамда илмий экспертизадан ўтказиш;

— Ўзбекистоннинг мустақиллик даври билан боғлиқ бўлган энг янги тарихини ўзида ифодаловчи ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар, дарсликлар тайёрлаш ва уларни турли тилларда чоп этишни йўлга қўйиш;

— Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ёзиш ва ўрганиш асосида жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёшларни тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашни амалга ошириш;

— республикада тарихшунослик муамоларини ўрганиш ва унга йирик тарихчи олимлар, сиёсатшунослар, файласуфлар ва ҳуқуқшуносларни жалб этиш;

— халқаро ва республикадаги оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистоннинг энг янги тарихини, миллий истиқлол, миллий тикланиш ғояларини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш. Дунё халқларига Ўзбекистон ҳақида ҳар томонлама ҳақиқий ахборот, кенг ва чуқур тасаввур беришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширишдан иборат.

«Ўзбекистон янги тарихи» маркази ташкилий гуруҳи мажлисида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА).

## КУН ТАРТИБИДА: ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ИНТЕГРАЦИЯ МУАММОЛАРИ

***23 сентябрь куни Тошкентда «Фан ва техника соҳасида халқаро интеграция: МДҲ давлатларининг янги бозорга чиқиш йўли» мавзуида халқаро семинар ўз ишини бошлади.***

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда НАТО илмий кенгаши томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Италия, Туркия, Бельгия, шунингдек, МДҲ мамлакатларидан келган олимлар, илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқдалар.

Семинарни Ўзбекистон республикси Фан ва техника давлат қўмитаси раиси академик П. Ҳабибуллаев кириш сўзи билан очди. У ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистонда илмий-техника сиёсати республиканинг иқтисодий салоҳиятини оширишга, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида халқ хўжалигидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилганини таъкидлади. Бу, шубҳасиз, ўз самараларини бермоқда. Кейинги йилларда инновацион жараёнларни ташкил этиш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилаяпти. Ўзбекистон фан ва техника соҳасида жаҳондаги 40 дан зиёд давлатлар билан илмий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Улар орасида НАТО га аъзо бўлган мамлакатлар салмоқли ўрин тутади.

МДҲ таркибидаги мустақил давлатларда халқаро илмий интеграция ҳамда инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, уларнинг ўзаро алоқалари, ахборот айрибошлаш, табиий ҳамда энергия ресурсларини тежаш, НАТО мамлакатлари билан ҳамкорликда инновация марказлари ишини мувофиқлаштириш ва модернизациялаштириш, илмий-техник бирлашмалар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар семинар кун тартибидан ўрин олган. Бу ҳақда ўн бешга яқин маърузалар тингланади, илмий баҳс-мунозаралар ташкил этилади, ўзаро тажриба алмашинади.

Семинар давом этмоқда.

**Н. ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ШИФОХОНА ЮБИЛЕЙИ НИШОНЛАНДИ

***Тошкент шаҳар руҳий касалликлар шифохонаси ташкил этилганига 100 йил тўлди. Шу муносабат билан пойтахтдаги темирйўлчилар саройида тантанали йиғилиш ва «Руҳий касалликларни даволашни яхшилашнинг долзарб масалалари»га бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

Унда мамлакатимиз вилоятларидан, шунингдек, хориждан кўплаб меҳмонлар иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари республика Президенти Фармонига кўра шифохонанинг «Дўстлик» ордени, «Шуҳрат» медали, «Республикада хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» унвони, шунингдек, фахрий ёрлиқ билан мукофотланган бир гуруҳ ходимларини қизғин табрикладилар.

Тадбир қатнашчилари етакчи тиббиёт олимлари ва мутахассислар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакилларининг Ўзбекистонда тиббиётнинг мазкур соҳаси ютуқ ва муаммолари тўғрисидаги маърузаларини тингладилар. Сўзга чиққанлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, бу борада даволаш марказлари ва мутахассислар олдида турган муҳим масалаларга эътиборни қаратдилар. Бу соҳада пойтахт руҳий касалликлар шифохонасида муайян тажриба тўплангани таъкидланди.

(ЎзА)




## ЗИМДАН КУРАШ

***Буюк Британияда чиқадиган «Таймс» газетаси «Москва мэри ҳокимият учун курашмоқда» сарлавҳали мақола эълон қилди.***

Юрий Лужковнинг барча ҳаракатлари хоҳ у поп-музика юлдузи Майкл Жексоннинг қўлини сиқиш бўладими ёки Кремль сиёсатчилари билан баҳс-мунозарасими — буларнинг барчаси мэрнинг амбицияси Москвадан ташқари чиқиб кетганлигини кўрсатади. Президент Ельциннинг касаллиги ошкор бўлгандан сўнг Москва мэри ҳокимият учун очиқ кураш бошлади, деб ёзади газета. Генерал Лебедь томонидан имзоланган Россия ва Чеченистон ўртасидаги тинчлик шартномасини танқид қилиш мэрнинг ҳокимият учун кураш йўлидаги биринчи қадами бўлди. Унинг фикрича, имзоланган шартнома Россия қўшинларининг таслим бўлиши билан тенгдир. Қора денгиз флотининг кимга тегишли эканлиги тўғрисида Россия ва Украина ўртасида ўтаётган музокаралар ҳам мэрнинг диққат-эътиборидан четда қолмади. Буларнинг барчаси Лужковнинг Россиянинг навбатдаги президенти бўлишга қаратилган, деб ёзади «Таймс» газетаси.

## ҲАРБИЙ ЖИНОЯТИ УЧУН АЙБЛАНМОҚДА

***«Ди Вельт» газетаси собиқ ҳарбий жиноятчи Морис Папоннинг 1942-44 йилларда содир қилган ҳарбий жиноятлари ҳақида мақола эълон қилди.***

Ўшанда у Жиронд префектурасининг раҳбари бўлиб, Франциядан 1600 нафар яҳудийни ҳайдаш ва сўнг уларни йўқ қилишда иштирок этган. Газета шарҳловчисининг фикрига қараганда, унинг устидан суд жараёни 15 йилдан бери давом этмоқда. Ҳарбий жиноятларда шубҳа остига олинган Морис Папон бу даврда президентлар де Голл, Помпиду ва Жискар д'Эстген маъмуриятида хизмат қилди ва Парижнинг мэри ва молия министри лавозимини эгаллади.

## БОШ ВАЗИР БАЁНОТИ

***Исроил Бош вазири Бенжамин Нетяньяху баёнот бериб, марҳум собиқ Бош вазир Рабин Сурияга Жўлон тепаликларини беришга розилик берганлигини айтди.***

Аммо, деди Бош вазир, Рабин бу ҳақда ҳеч қачон ёзма равишда Сурия томонига ваъда бермаган. Нетяньяху АҚШ Президенти Клинтон Исроилнинг янги ҳукумати аввалги ҳукумат берган оғзаки ваъдаларни бажариш кафолатини ўз бўйнига олмаслиги зарурлигини маслаҳат берган. Сурияликлар эса Рабин даврида музокаралар қаерга келиб тўхтаб қолган бўлса, ўша жойдан бошлаш зарурлигини уқтирмоқдалар. Нетяньяху эса Жўлон тепаликлари Сурияга қайтарилмаслиги ҳақида баёнот берди.

## Республика Вазирлар Маҳкамасида

## КОРХОНАЛАР ФОЙДА БЕРИШИ КЕРАК

***Вазирлар Маҳкамасида зарар келтираётган корхоналарнинг хўжалик-молия фаолиятини кўриб чиқиш билан шуғулланувчи ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Бош вазир ўринбосари, республика молия вазири, комиссия раиси Б. Ҳамидов бошқарди.***

Мажлисда вазирликлар, идоралар, банклар ва корхоналарнинг раҳбарлари, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди. Зарар келтириб ишлаётган корхоналар сонини камайтиришга доир ишлар тўғрисида Олий хўжалик судининг ахбороти, Тошкент шаҳри ва вилоятлари ҳокимлари ўринбосарларининг ҳисоботлари тингланди.

Мажлисда Қорақалпоғистонда, Андижон, Сирдарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида рентабелли ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида ижобий натижаларга эришилгани қайд этилди. Бу жойларда биронта ҳам зарар кўрган корхона қайд этилмаган. Бунга жойлардаги комиссиялар ва Олий хўжалик суди бўлинмаларининг самарали иши туфайли эришилди.

Айни пайтда бошқа вилоятларда, айниқса, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида зарар келтириб ишлаётган корхоналар ҳали жуда кўп. «Ўзенгилсаноат», «Ўзкимёсаноат», «Тошйўловчиавтотранс» уюшмалари, «Маҳаллий саноат» корпорацияси, «Ўзсувқурилиш» концернидаги аҳвол айниқса ташвишлидир. Бунга асосий фондлардан оқилона ва самарали фойдаланмаслик ҳамда улардан зарур фойда олишни йўлга қўймаслик, паст сифатли, рақобатга бардош бера олмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш, натижада омборни бозори касод моллар билан тўлдириш сабаб бўлмоқда.

Шу йилнинг саккиз ойи мобайнида Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига биноан банкротлик тўғрисида 115 та иш қўзғатилган эди. Олий хўжалик суди 96 та ишни қараб чиқди. Ва улар юзасидан қарор қабул қилди. Унга кўра 43 корхона банкрот деб эътироф этилди, олтита корхона бўйича уларнинг иқтисодий фаолиятини соғломлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди, бошқа корхоналар ишни кўриб чиқиш жараёнида ўз қарзларини уздилар.

Комиссия вилоятлар ҳокимлари ўринбосарларига корхоналарнинг зарар кўриши муаммоларини доимо диққат марказида тутиш, ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни қатъий бажариш, жойлардаги ишларни мувофиқлаштириш ҳамда кучайтиришни тавсия этди.

(ЎзА).

# ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади

## ДИПЛОМАТЛАР ҒАМХЎРЛИГИ

***Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси Нукус шаҳри раҳбариятига 80 ўринли шифохонага мўлжалланган 200 минг долларлик жиҳозлар тажаммулини топширди.***

Бу хайрли иш Россия дипломатларининг «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси билан ҳамкорлиги натижасидир. Жамғарма ва элчихона ўртасида ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилиш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Шартномага мувофиқ элчихона «Экосан» жамғармасига Россиядаги экология, аҳоли саломатлиги ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланадиган давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа ўрнатишда ёрдам беради. Дипломатлар бу соҳада иш тажрибасини алмашиш ва янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлишга кўмаклашади. Бу эса қўшма экологик лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга имкон беради. Россия ва бошқа мамлакатларнинг олимлари, экология мутахассислари ва ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари билан учрашувлар, анжуманлар ўтказиб туриш режалаштирилган.

*ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК:*

## «ЎЗДЭУАВТО»НИНГ ЧОРВАДОРЛАРГА ТУҲФАСИ



«ЎзДЭУавто» ўз фаолиятини бошлагач, республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги давлат ветеринария бош бошқармасининг раҳбарияти бу корхонага буюртма берган эди.

Шунга кўра, автомобилсозлар қисқа муддат мобайнида ветеринария хизмати учун мўлжалланган ва амбулатория ҳамда лаборатория ускуналари билан жиҳозланган 3 та махсус «Дамас» русумли машинани конвейердан чиқардилар. Улар Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё вилояти чорвадорларига ва юқумли касалликларга қарши кураш экспедицияси ветеринарларига тақдим этилди.

Тез орада чорвадорларимиз яна кўплаб махсус «Дамас» русумидаги автоамбулатория-лабораторияга эга бўладилар.

*СУРАТДА: автоамбулатория-лабораториялар.*

Муҳаммад АМИН олган сурат.



## ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1996 ЙИЛ 23 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ (фоиз ҳисобида)

| Вилоятлар | Бир кунда | Мавсум бошидан буён |
|---|---|---|
| Андижон | 4,56 | 43,83 |
| Сурхондарё | 1,94 | 43,70 |
| Бухоро | 2,95 | 39,40 |
| Хоразм | 2,51 | 36,76 |
| Навоий | 2,39 | 35,53 |
| Самарқанд | 2,42 | 34,54 |
| Фарғона | 3,07 | 33,62 |
| Қашқадарё | 2,42 | 27,66 |
| Наманган | 3,01 | 22,73 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1,52 | 19,33 |
| Тошкент | 1,91 | 12,76 |
| Жиззах | 1,15 | 8,21 |
| Сирдарё | 1,21 | 6,64 |
| **Республика бўйича** | **2,41** | **28,51** |
| 1995 йилда | 2,23 | 43,52 |
| **Жумладан, ингичка толали пахта** (тонна ҳисобида) | | |
| Сурхондарё | 905 | 12210 |
| Қашқадарё | 200 | 1524 |
| Наманган | — | — |
| **Республика бўйича** | **1105** | **13734** |
| 1995 йилда | 1080 | 20706 |

## ШОИРАНИ ЁД АЙЛАБ

Санъат ва адабиёт азалдан халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Тошкентдаги ҳинд маданият марказида шоира Зулфия хотирасига бағишлаб ўтказилган ижодий кеча ҳам шундан далолат берди. Зеро, Ҳиндистон мавзуси Зулфия ижодида кенг ёритилган. Шоира ҳинд диёрига ташрифи таассуротлари, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳақида жўшиб куйлаган.

Кечада республикамиз ва ҳиндистонлик таниқли ёзувчи ва олимлар Зулфия ижодининг бетакрор қирралари ҳақида, унинг ўзбек ва ҳинд маданий алоқалари ривожига қўшган ҳиссаси тўғрисида гапирдилар. Икки дўст халқ куй ва қўшиқлари янгради.

## САҲНАДА — «ФОТИҲ МУЗАФФАР»

Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига муносиб совға тайёрлади. Ижодий жамоа ёзувчи Одил Ёқубов қаламига мансуб «Фотиҳ музаффар» асарини саҳнага олиб чиқди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимов режиссёрлик қилган бу тарихий асар буюк соҳибқирон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

## ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Нарпай тумани Ҳамза номидаги жамоа хўжалиги пахтакорлари Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш буюртмасини бажарди. Қабул пунктига 275 тонна дурдона етказиб берилди. Миришкорлар ялпи хирмонни 375 тоннага етказиш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

## БУҒДОЙ ЭКИЛМОҚДА

Хоразм вилояти деҳқонлари буғдой экишни бошлаб юборди. Хўжаликларда озуқа экинларидан бўшаган майдонларга ва ғўза қатор ораларига барака уруғи қадалмоқда. Бу йил вилоятда 25 минг гектар ерга буғдойнинг ҳосилдор ва совуққа чидамли навлари экилади.

